



Хабар килинишича, АКШнинг мусулмон мамлакатларга гўшт ва гўшт маҳсулотларини етказиб беришга ихтисослашган “Midamar” ширкати, “Халол” ёрлиги остида катор мусулмон мамлакатларга “Халол” стандартлариiga жавоб бермайдиган маҳсулотларни экспорт килиб келган. Бундай маҳсулотларнинг экспорти канча муддат давом этганига аниклик киритилмаган бўлса-да, ширкат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича БАА, Кувайт, ва Малайзия билан йирик шартномалар тузиљгани айтилмокда.

Ўтказилган суриштирув-тергов натижаларига кўра, ширкат маҳсулотларини ишлаб чикиришда Шариат талаблариiga риоя килинмагани аникланган. Жумладан, хайвонларни сўйишда Исломнинг коида-талаблари бузилган.

Америка мусулмонларининг хукукларини химоя килиш ташкилоти раиси Сайд Рашидуддин мазкур холат юзасидан фикр билдирабкан, ҳакикий халол гўштни сотиб олиш хозирда АКШ мусулмонлари учун тобора кийин бўлиб кетаётганини маълум килган.